

Хасанхон ва Хусанхон корилар тартиб берган “Навоийдан чу топкайлар навое” номли китобда бир катор макбул жихатларни кўрдим. Аввало, Навоийнинг диний асарлари хос кишилари томонидан тахлилу талкин қилинаётгани. Буни макбул деганим шунчаки лутф ёки тузувчилар меҳнатини кадрлаб қўйиш истагидангина эмас, балки анча чуқурки, мухтасар изох бериш лозим кўринади.

Биласиз, хазрат хақида сўз кетса, барча бирдек ул зотнинг серкирра истеъдод эканини айтиб толмайди-ю, мероси гўё бир адабиётшуносларга хатлаб берилгандек тушунилади. Холбуки, адолат юзасидан қаралса, Навоийнинг айрим асарлари хақида тарихчининг, айримлари хақида тилшуносининг, яна бирлари хақида дин уламосининг фикри эътиборлироқ тутилиши лозим. Шу маънода, ака-укалар тузган ушбу китоб илмда, хусусан, навоийшунослиқда адолатни тиклаш йўлидаги илк қадамлардан ва, иншааллох, у хайрли бўлади. Сирасини айтганда, адабиётшунослиқ илмида, гарчи очик эътироф этилмаган бўлса-да, дин уламолари ёрдамига эҳтиёж аллақачон етилган. Биласиз, истиклол арафаларидан бошлаб мумтоз адабиётимизни ислом динидан, тасаввуфдан айро холда тугал тушуниш ва объектив баҳолаш мумкин эмаслиги теран англанди. Узок йиллар давомида адабий мероснинг шу икки омилни эътибордан соқит қилган холда ўрганилгани чала ҳукм-хулосалар, бирёклама юзаки ёки мутлақо тесқари талкинларга олиб келгани бугун ҳеч қимга сир эмас. Шунингдек, мустикаллик йиллари адабиётшунослигимизда мумтоз адабиётни исломий, тасаввуфий нуқтаи назарларни эътиборда тутиб талкин қилиш урфга киргани ҳам ҳаммага маълум. Бирок бу йўлда амалга оширилган ишлар хали қаноатланарли эмас. Сабаби, биринчидан, бу ишни амалга ошираётганлар мақоми адабиётшунослиқда нечоғли баланд бўлмасин, улар диний илмларда дилетант; иккинчидан, Навоийдан фарқ қилароқ, ислом улар учун ҳаёт ва фикрлаш тарзини белгиловчи асосга айланмаган. Яъники, уларнинг Навоийни англашларида шу билан боғлиқ нокисликлар бўлиши табиий, юқорида айтганимиз эҳтиёж эса шундай нокисликларни бартараф этиш заруратидан тугилади.

Айтганларимизни тузувчилар “Арбаъин” устида амалга оширган иш мисолида кўриб ўтамиз. Аввало шуки, тузувчилар матн устида кунт билан ишлаганлар: асарнинг 20 та қўлёзмаси асосида илмий-киёсий матн тайёрланган. Яъни, агар мумтоз адабиёт намуналарининг нашрларида қузатилувчи ҳатолар ёдга олинса, улар ибрат қилиб кўрсатишга лойиқ йўл тутганлар. Шу ўринда қаминга жуда маъқул бўлган бир нуқтани алоҳида таъкидлаб ўтгим келади. Тузувчилар аввалги нашрдаги ҳатолардан бир-иккитасига мисол учунгина тўхталганлар-у, шунинг ўзидаёқ матншунос сифатидаги лаёқат, қобилиятларини намоян эъта олганлар. Таъкидламоқчи бўлганим бу эмас, балки, назаримда, бундан муҳимроқ: ўша ҳатонинг қандай кўрсатилаётгани. Қиска қилсам, бунда билимдонлигини кўрсатиб қўйиш, ҳато қилмишнинг бир адабини бериб қўйишга интилиш сингари оғизлик, майдалиқ сезилмайди. Негаки, улар бу ишга нон ё шон учун эмас, қўнғил амри билан, холис Аллоҳ ризоси учун қиришганлар, бандога ҳос оғизликлардан баланд тура олмоқнинг асоси – шу. Ҳамқасбларимиз ибратлансалар, умумий ишимиз барор олган бўлармиди, деб ўйладим...

Тузувчилар “Арбаъин”ни ўқувчига муқаммал кўринишда тақдим қилмоқни қўзлаганлар ва, тан олиш керак, бунга муқлак эришганлар. Баҳо ошиб кетди деманг, тақдимотнинг қай тартибда амалга оширилгани – алгоритмининг бир қур қўздан қечирсангиз, ўзингиз ҳам

шунга амин бўласиз. Аввало, назмга солинган кирк хадиснинг манбаси кўрсатилган. Гап шундаки, анъана шундай эдими ё хадисларни мукамал билувчиларга мўлжаллагани учунми, хазрат Навоий хадислар манбасини кўрсатган эмас. Аксинча, бугунги кун ўқувчисининг Навоий яратган диний асарлар нечоғли саҳих – ишончли эканига амин бўлмоғи учун бу жуда муҳим. Хадислар араб имлосида ва ривоят килувчини келтирган ҳолда берилгани ўқувчини ишончда янада мустаҳкам этади. Кўриб турганимиздек, мақсад хайрли, лекин шунинг ўзи етарли эмас: мақсадга тўғри, ҳалол йўл билан етишмоқ керак. Тузувчилар шундай йўлдан борганларини, масалан, бешинчи хадисга берилган сатр ости изоҳида кўриш мумкин: “Ушбу маънодаги хадислар жуда ҳам кўп. Ҳаммаси мазмунан бир-бирини қувватлайди. Уларнинг ичида муаллиф келтирган лафзга энг яқини юқорида биз келтирган матндир. Аммо айнан муаллиф танлаган матнни мўътабар хадис китобларидан топа олмадик. Хулоса қилиб айтганда, бу ерда саҳих ривоятларда келган лафзларнинг қориштирилганини кўриш мумкин”. Албатта, мазкур изоҳ юқорида зикр этилган мақсадга хизмат қилмайди, негаки, ўқувчи онгида “мўътабар хадис китобларидан топа олмадик” қалимаси тезроқ ва муқимроқ ўринлашади. Шунанга экан, бунини ҳаспўшлаб қўяқолса бўлмасмиди? Йўқ, бўлмасди, бундаги ибрат ҳам асли шунда: олим фикри холис, лафзи ҳалол бўлмоғи шарт. На кўзлаганлари яқин мақсад ва на китобда барқ уриб турган Навоийга меҳр тузувчиларни қалғита олмагани, фикримча, бу таҳсин ва ибратга лойиқ ҳолдир.

Албатта, китобда айрим хали маромига етмаган ёки ортиқчадек кўринувчи ўринлар ҳам йўқ эмас, Хусусан, қаминанга Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берилиши ортиқча кўринди: ҳаммага маълум гапларни такрорлаб ўтиришга зарурат йўқдек. Тўғри, булар китобнинг юқорида айтилган фазилатларига бироз соя солади, лекин қимматини белгиламайди. Тузувчиларга изланишларида бардавом, ўқувчиларга яхши китобдан баҳраманд бўлишни тилаб қоламиз.

Дилмурод Қуроноф
филология фанлари доктори,
профессор